



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 18.01.2022 г. № 020059

между Янгиер сахар Электр тармоқлари корхонаси и Янгиер сахар аҳоли бандлигига кумаклашиш маркази на общую сумму 2398950,00

Глава

141

Казначейский лицевой счёт

100022860244137109120141001

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4221000			
Январь	799 650,00			799 650,00
Февраль	799 650,00			799 650,00
Март	799 650,00			799 650,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	2 398 950,00			2 398 950,00

Всего 2398950,00 сум

Два миллиона триста девяносто восемь тысяч девятьсот пятьдесят сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в ливан мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Корабеков Бекназар Равшанович
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Норматова Нафиса Султанмуратовна
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

« ___ » _____ 20 ___ г.

« ___ » _____ 20 ___ г.

Энергия таъминоти ташкилоти тармоқларига уланган истеъмолчиларнинг электр
қурилмаларининг уриятилган куввати тугрисида
МАЪЛУМОТ

А. Трансформаторлар

Трансформаторларни уриятиш жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш вақтида уртача юклама (кВт еки А)
	Тури	Куввати (кВА)	Кучданиши (кВ)	Ток (А)	Киска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриш (кВт.с)	

Б. Бошқа ток қабул қилувчилар

Электр двигателлар		Электр лайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чиқаришни еритиш		Изох
Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энерготежамкор (кВт)	

В. Узга субабонент истеъмолчилар

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгоҳи	Уриятилган куввати (кВт, кВА)	Электр ҳисоблагичнинг завод рақами	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт.с учун	Изох



Имзолар:



ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

**“СИРДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”**

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



**БЮДЖЕТ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

Ш А Р Т Н О М А С И

№ 020059

**БЮДЖЕТ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

2022 йил "18" январь

010059-сон

Янгивер _____ ш
Т(Ш)ЭТК номи _____

Сурдарё ХЭТК АЖ

асосида фаолият юритувчи

Янгивер ШЭТК
таъминоти корхонасининг номи

(туман(шаҳар) электр

рахбари А.Жабборов (кейинги ўринларда
(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.П.Т.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда НИЗОМИ асосида фаолият

юритувчи Энгисер иб. Аҳомед бағдировичи
(Истеъмолчининг номи)

рахбари Ф. Жороберов (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади).
(Истеъмолчи раҳбарининг Ф.П.Т.)

хисоб рақами –

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

 иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИغان ЭНЕРГИЯНИНГ ХИСОБГА ОЛИНИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 5331 кВт.с. реактив _____ кВтар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган қунидаги умумий нархи 1398950 сўми, тариф буйича _____ ташкил этади.
тариф тури: табақалантирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кераклиги ёзилсин)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (манший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, шлюмбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалантирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва undan ortiq булган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари булган мустақил) электр энергияси учун хисоб-китобларин сутка вақтларининг табақалантирилган тариф буйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалантирилган тариф буйича хисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёрут вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катга юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катга юкломали соатлари: эрталабки энг катга микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катга микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1.5 баравар микдорда усувчи коэффициентни қўллаш оркали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1.5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақаланштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши туғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси оркали ҳар ойнинг “20-25” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақаланштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан қаида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кунда қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида туланган ҳажми учун тулов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тулов тулашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотугри қўллаш туфайли пайдо буладиган кам ва ортиқча туловлар тегишли тариф буйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида курсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тулаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тулаш асосида амалга ошириш хохлишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин билдирги тартибда Ёурога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тулаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ туланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тулаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ ўзини ҳақ бўлган чоралар қўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тулов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тулов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тулов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзро ҳисоб-китоблар тизимида электр шикетидаги ҳисоб-варақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси буйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда туловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлаиб, муносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тулов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. *(6-,7-иловаларни реиктив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўғрисида)*

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит буйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий

микдорига нисбаган худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармогига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармокларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада кайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзда ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (мансий истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоклари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдан ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЎЗНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда қамда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоклари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар донмий асосда шакллантирилиши ва идораларо электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1.15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзнинг коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тулик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси махсус тартибда ётказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг такқослаш далолатномасини тузади.

Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси куйиш йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундурувга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчинини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш ҳағти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан уғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланishi, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб. Истеъмолчинини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари қорхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати барқараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тулов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тулов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация ҳаражатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация ҳаражатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация ҳаражатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация ҳаражатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тулов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик туғрисида” ги УРҚ 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзida унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан:

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-банди бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чикиндиларни ташиниш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча миқдор учун 100% олинган тулов амалга оширилган бўлиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш. Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ағаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошка сабабларга кура кучиб кетган такдирда, бу хакда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор килиш;

“ЭЭХНАТ (АЙСКУЭ)” тизимини баркарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электрхисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон ракамига (боғланиш нуктасига) «СМС» оркали юборилган хабарнома, огохлантириш хатларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур холда дархол энерготаъминот корхонасига аниклик киритиш максидида маълум килиш;

энергетика тизимининг «Электрхисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон раками (боғланиш нуктаси)га шунингдек бошка бирон реквизи́тлари узгарган холда холда истеъмолчи дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Бюро ва “Ўзэнергоинспекция” конуний кўрсатмаларини уз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши кондалари талабларини бажариш;

Бюро ва ёки Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгилаган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи.

энергетика тизимининг энг кўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар мазкур Кондаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ буйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона буйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари буйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайгириш ва бартараф этиш буйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш

заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот - ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр хўжалиғи объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар куриш зарур бўлганда истеъмолчининг оғохлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчининг олдиндан тўланган ҳақ тўтаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиғи объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиғи объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан оғохлантириш;

Истеъмолчининг электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тухтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергиясини тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини қўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга плөмбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергиясини истеъмолчининг белгиланган режимга риоя қилмай, электр энергиясини истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергиясини етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчинини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фаўқўлотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди

Электр энергия таъминоти корхонасини ўзи билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чеклашлар киритилганда, "электр қурилмаларини тузилиши қондалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси (категория)га тўғри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) ҳолда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари бўйича қилиб чиқадиган низолар бўйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажарини жараёнида юзага келадиган барча қелишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Қелишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

6.1. Шартнома 2021 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилди.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан қучга қиради

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ўшбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг вақолатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

ҮНІ. ТОМОНЛАРИНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили Дегман ш. АБҲ-М.

Ҳисобраками 100022860244137105120141001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200328559

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилмайдиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фонднинг ҳисобраками 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 201122919

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобраками _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

ККС тўловчининг коди _____

Телефонлар: _____ Факс: _____ e.mail: _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс, телефонлари коди электрон манзил ёзилган)

Кадастр№ _____

Статистик кодлар:

ОКЭД _____

СООГУ _____

СОАТО _____

КФС _____

КОПФ _____

ОКПО _____

КОРХОНА:

Почта манзили _____ Янгиер шаҳар А.Тимур кўчаси 2-й

Ҳисобраками 22636000400134817415

Банк коди (МФО) 00855 (ИНН) 200324414

ККС тўловчининг коди _____

Телефонлар: 67-350-24-26 Факс: _____

Статистик кодлар:

СООГУ _____

СОАТО _____

Истеъмолчи:

М.У. _____

Корхона:

М.У. _____

ХУҚУҚШУНОС ХҲЛОСАТИ

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси _____

Ўз.Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари мוניйлик қилмайди. Шартнома широкочиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси туғрисида»ги қонун талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома широкочилари ўртасидаги низоми ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Хуқуқшунос: _____
(имзоси)

Электр таъминотининг шартномасига
I - илова

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият тури _____
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали еки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан. тариф гуруҳлари бўйича			
Ипл. жами					
Январ	1799				
Феврал	1999				
Март	1999				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди _____ соат, ойга _____ кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I _____ II _____ III _____



Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова


Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг г) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучданиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (иссоннал токли)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма квитковцаги плембанинг рақами		Учов трансформатор- ларнинг трансформация коэффициенти		Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган қандаги кўрсаткичла ри ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум Г кВт с.
			Корҳона- нинг	Биро- нинг	Ток	Кучла- ниш		

Истеъмолчи:


 М.У. (Имзо)

Имзолар:

Корҳона:


 М.У. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАТОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар-бир электр хисоблагич учун алоҳида 3- ва 4-иловада тузилади

Хисоблагич № _____ т/ток _____ кучланиш _____ коэффициент _____ уланган қуввати _____ кВТ
Хисоблагичдан урнатилган манзил: _____

тоқсар, кфй, мфй, куча ул^в

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____

Труба ишл чик, Шлакоблок, Г иши, Пловка ишл чик, Акфа чеки, Насос, Саодо, Кафе, Ошхона, Устахона ва...???

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № _____, _____ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан қуйидагиларга:

а) Барча турдаги электр жиҳозлари ва ёригиш чироқларига _____

_____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан.

б) Янгиер ШЭТК хизмат кўрсатмайди _____

Истеъмолчи билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № _____ сана _____ й.
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат
кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тўзмаса _____
томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик
чегараси қуйидагича белгиланди: _____

Вакиллар:

Истеъмолчи

М.Ў.

Корхона

М.Ў.



**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДА.ЮЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йули билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА булган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йули билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолга қаратилади



Имзолар:



Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20__ йил _____ ойи бўйича

Курсаткичлар кайд этилган сана «__» _____ 20__ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори курсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВт.Ар.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучданиш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошланғич	охирги			Эрта-лабки тигиз вақт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун	
											соат 6-9	соат 9-17
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8 = гр 7*гр 4

Истеъмолчи раҳбари

Ф.И.Ш. имзоси

Корхона энергетиги

Ф.И.Ш. имзоси

М.У.

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгилабган қуввати

Гр №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Узаниш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16 + 36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар узаниш вақтларини тўлдирини шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иктисодий миқдори

Илл. ой	Реактив энергиянинг иктисодий миқдори (кВАР.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланганидан қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иктисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг қатта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергиянинг амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.

Истеъмолчи:



(Имзо)

М.У.

Корхона:



(Имзо)

М.У.

Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича

ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчини _____

ширтироқида тузлади

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки кичик муддатли қувват танқислиги юзига келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажарини керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Г/р №	Технологик бронга тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан учирилади. Учирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам қиради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ утганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брон даражасигача узиб қуйилади.

Г/р №	Авария бронга тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Учирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қуриқлаш ёриткичлари юкланиш остида қолдирилади.

б) Ёнғинга қарши заҳира насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига қирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда руҳхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Корхона:

Истеъмолчининг

(Имзо)

М.У.

(Имзо)